

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1490-ҳадис

* «Аллоҳ таоло мўминларга замон фасод бўлганда тасалли бўлиши учун мана шундай неъматларни берди. Имом Муҳаллабни айтишларича пайғамбарлар туши ҳақдир. Мўминларни тушлари ҳам кўпинча ростдир. Чунки шайтон уларни қалбларидан жой эгаллай олмайди. Кофир ва фосиқларни туши эса кўпинча ёлғондир. Чунки шайтон уларга ҳукмдордир.»

«Туши ростларингиз сўзи ростларингиздир» дейилган.

1. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон охир замон яқин келса, мўминнинг туши камдан-кам ёлғон бўлади. Ва мўминнинг туши нубувватнинг қирқ олти бўлагидан бир қисмидир», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: **«Туши ростларингиз сўзи ростларингиздир»**, дейилган.

Фойда: Аллоҳ таоло мўминларга замон фасод бўлганда тасалли бўлиши учун мана шундай неъматларни берди. Имом Муҳаллабни айтишларича пайғамбарлар туши ҳақдир. Мўминларни тушлари ҳам кўпинча ростдир. Чунки шайтон уларни қалбларидан жой эгаллай олмайди. Кофир ва фосиқларни туши эса кўпинча ёлғондир. Чунки шайтон уларга ҳукмдордир.

Манба: hadis.islom.uz



